

№ СРЮ-2329/VPN - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

№ \_\_\_\_\_ й.

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

2022 йил "02" феврал

Тошкент ш.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30" декабрдаги № 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали директор ўринбосари А.Е. Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва АКБ "МИКРОКРЕДИТБАНК" номидан Шоҳнома (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б.Алимов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоз** миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоз** миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

## Хизматлар

## 1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

№	Хизмат номи	ҚҚС билан нарх (қиймат)	Микдори	Нархи (қиймати) ҚҚС билан
1	2		3	4
<b>I. Бир марталик абонент тўловлари</b>				
1.1	100 Мбит/с ВПН маълумотлар тармоғига кириш учун бир марталик тўлови (Шахар миқёсида)	60 000,00	1	60 000,00
<b>II. Ойлик абонент тўловлари</b>				
2.1	Enternet технология бўйича 100 Мбит/с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш учун абонент тўлови (Шахар миқёсида).	1 050 000,00	1	1 050 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)			1 110 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори: 1 110 000,00 (Бир миллион бир юз ўн минг сўм 00 тийин), шу жумладан 15% ҚҚС микдориди. Ундан ойлик абонент тўлови 1 050 000,00 (Бир миллион элик минг сўм 00 тийин), бир марталик тўлов 60 000,00 (Олтмиш минг сўм 00 тийин) 15% ҚҚС микдориди.

“Ўзбектелеком” АК номидан:  
“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали

АКБ “МИКРОКРЕДИТБАНК”

Директор ўринбосари

Абонент номидан:



“02” феврал 2022 йилдаги № СРЮ-2329/VPN -сонли абонент шартномаси

## Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди

“02” феврал 2022 йилдаги № СРЮ-2329/VPN

№	Хизматлар номи	Фойдаланишга туширилган сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1	Enternet технология бўйича 100 Мбит/с тезликдаVPN маълумотлар тармоғига кириш (Шахар миқёсида).	«__» _____ 2022 йил	Бажарилди

“Ўзбектелеком” АК номидан:  
“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали


АКБ “МИКРОКРЕДИТБАНК”

Директор ўринбосари

Абонент номидан:



А.Е. Хон



*(Handwritten signatures)*

*(Handwritten signature)*